

А Ж Р И М

2022 йил 22 декабрь куни жиноят ишлар бўйича Олмазор туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи М.Абидов, судья ёрдамчиси А.Алимбоевнинг котиблигида, Олмазор туман прокурори катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, «OLMAZOR YURISTLARI» адвокатлик фирмаси адвокати А.Низамовнинг иштирокида Тошкент Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бошлиғининг бемор Юсупов Муродбек Атаназар ўғлига нисбатан қўлланилган мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг 2020 йил 7 декабрь кунги ажримига кўра Юсупов Муродбек Атаназар ўғлига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий чораси қўлланилган бўлиб, у Тошкент Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлари шифохонасига мажбурий даволанишга юборилган.

Тошкент Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси врачлар комиссиясининг 2022 йил 26 ноябрь кунги 424-сонли хулосасига кўра, Юсупов Муродбек Атаназар ўғлининг соғлиғи яхшиланмаганлиги, унда руҳий касаллик аломатлари кузатилаётганлиги қайд этилган. Тошкент Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори томонидан бемор М.Юсуповга нисбатан муқаддам қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чорасини узайтириш тўғрисида илтимоснома киритилган.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, прокурор ёрдамчисининг хулосасини, адвокатнинг хулосада сўралган ҳолатни қаноатлантиришни сўраб берган фикрини тинглаб, илтимосномани қаноатлантиришни ва бемор М.Юсуповга нисбатан мажбурий даволаш чораси муддатини узайтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541, 580-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент Республика кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси бошлиғининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Юсупов Муродбек Атаназар ўғлига нисбатан қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурият чораси муддати узайтирилсин.

Ажрим ижроси Тошкент Республика кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси зиммасига юклатилсин.

Ажримдан норози томонлар 20 кун муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

М.Абидов

